

Таҳоратсиз намоз ўқилмасин



18:41 / 22.09.2019 4979

Бусра бинти Сафвон розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

لَّصِيٍّ أَلْفُ هَرَكٍ ذَسَمَ مَ لَأَقِي بَلَلِ عَ، أَعْنُ هَلَلِ يَضَرَّ نَأُفَصَّ تَبَّ رَسُ بَ نَع
نَنْ سَلَّ أَبْأَصَأْ هَأُورَ: أَضَوَتِي سَح

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким закарини ушласа, таҳорат қилмагунча намоз ўқимасин», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиснинг зоҳирий маъносига қараганда, жинсий олатини ушлаган одамнинг таҳорати кетади. Кўпчилик уламолар бу ҳадисни айнан шундай тушунганлар.

Аmmo Ҳанафий мазҳаби уламолари уни бошқача тушунганлар. Улар «Бу ҳадисдаги таҳорат қўлни ювиш маъносидадир», деганлар. Чунки «таҳорат» лафзи шаръий таҳорат маъносидан ташқари, қўлни ювиш маъносида ҳам ишлатилади. Ҳанафий уламоларининг бу фикрлари бошқа бир ҳадисдаги закар ҳам инсоннинг бир аъзоси эканлиги, уни ушлаш билан таҳорат кетиб қолмаслиги ҳақидаги фикрлар билан тасдиқланган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан